

ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 31 (9.375) 2000 йил 15 март, чоршанба Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини белгилаш тўғрисида

Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, миллий қадриятларимизни эъозлаш ва ўзбек халқ озаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги, ўз ичиди ва ижрочилик фаолияти билан халқимизни, айниқса, ёшларни кўп минг йиллик маданиятимиз сарҳадларидан баҳраманд қилишдаги салмоқли хиссалари ҳамда Ватан истиқлоли ва шон-шарафини улуғлаш йўлида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида:

1. “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини таъсис этиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблансин. (“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини тўғрисидаги Низом ва унинг тавсифи илова қилинади).
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 март.

“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини тўғрисидаги НИЗОМ

1. “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, миллий қадриятларимизни эъозлаш ва ўзбек халқ озаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги улкан хизматлари, ўз ичиди ва ижрочилик фаолияти билан халқимизни, айниқса, ёшларни кўп минг йиллик маданиятимиз сарҳадларидан баҳраманд этишдаги салмоқли хиссалари, Ватан истиқлоли ва шон-шарафини улуғлаш йўлида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.
2. “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонига тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, республика вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғоки Кенгеси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, идоралар ва жамоат ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.
3. “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан берилади.
4. “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонининг кўкрак нишонини кўкракнинг чап томонида тақдид.
5. “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонига сазовор бўлган шахслар республикада белгиланган ойлик энг кам иш ҳақи миқдоридан ҳар ойда пўл муқофоти оладилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.
6. “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан тегишли раҳбар ҳодимлар томонидан тантанали ва ошқораклик вазиётида топширилади.

“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонининг кўкрак нишонини ТАВСИФИ

Кўкрак нишонини 0,25 микрок қалинликда тилла қопланган 925 пробаги қумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.
Нишоннинг ҳошияланган текис юза томонида миллий чоғлу асбоби дўмбўрада қўйлаётган баҳши, пасти ўнг чекисида дафна новдаси тасвирланган. Рамазларнинг юқори қисмида “XALQ BAXSHISI” деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.
Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Тасвирлар ва ёзув қаберин.
Кўкрак нишонини ички қисмида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидида шўйя лента сирилган қадағичга халқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини бериш тўғрисида

Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, миллий қадриятларимизни эъозлаш ва ўзбек халқ озаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги улкан хизматлари, халқимизнинг маънавий дунёсини боийтиш йўлидаги хиссаси ҳамда маънавий-маърифий ислохотлар жараёнидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини берилисин:

Болтаев Шобердан - Бойсун тумани 37-мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бозоров Жўнабой - Шуманай тумани маданият бўлими ходими, Қорақалпоғистон Республикаси

Қурбонназаров Абдулла - Хива шаҳар маданият уйи “Достон” ансамбли бадий раҳбари, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 март.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқ қонун ҳужжатларига қатий амал қилиш, солиқ тўловларининг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш, солиқ ҳақидаги ҳуқуқ бузилишларининг аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларни бар-тароф этиш устидан давлат назоратини қў-чайтириш, шунингдек солиқ органлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақса-дида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг бошқаруш тизими;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тизими ҳодимларининг умумий сонини 2000 йил 1 апрелдан бошлаб ўртача 10 фоизга қисқартирилсин. Қисқартириладиган ҳодимлар ва иш ҳақи фонди Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармасини ҳамда унинг худудий бошқармаларини ҳодимлар билан тўлдирришга ва мустаҳкамлашга йўналтирилсин.

Давлат солиқ қўмитаси раисининг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари, 11 кишидан иборат таркибда ҳайъати бўлишига руҳсат этилсин.

3. Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида солиқ органларини қисқартириш натижасида бўшайдиган ҳодимлар хисобига Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида унга бевосита бўйсунувчи худудий бошқармалар тузилсин.

Қуйидагилар Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг худудий бошқармаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларни бар-тароф этиш;

солиқ органларида ҳисобда туришдан, солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлашдан бош тортувчи юридик ва ҳисмоний шахсларни аниқлаш;

нақд пўл маблағлари муомаласининг белгиланган тартиби бузилишларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш;

тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни ташкил этиш ҳамда солиқ ҳақидаги қонунларни бузган шахсларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда қидириш, давлатга етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириб олишни таъминлаш чора-тадбирларини қўриш;

белгиланган тартибда жиноий ишлар қўзғаш ва уларни жиноят турига қўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;

солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишлар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, текшириш ва таҳлил қилиш.

4. Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмасида:

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ташкил этилсин, унга белгиланган тартибда назорат ишларини амалга ошириш ва ҳужжатларни текшириш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилиш функцияси юклансин;

режим ва кадрлар бош бошқармаси ташкил этилсин, унинг таркибидида Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш махсус бошқармаси тузиш назарда тутилсин.

5. Белгилансин:

Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг худудий бошқармалари, Назорат-тафтиш бош бошқармаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарига бўйсунди;

Режим ва кадрлар бош бошқармаси ўз фаолиятида Давлат солиқ қўмитаси раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосарига бўйсунди.

6. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг

намунавий тузилмаси;

Туман, шаҳар, шаҳардаги туман давлат солиқ инспекциясининг намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

7. Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг худудий бошқармалари, Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳодимлари учун республика бюджетини ҳисобидан улар лавозим маошининг 20 фоизи миқдоридида махсус устамалар жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомнинг янги тахририни ҳамда Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси, Назорат-тафтиш бош бошқармаси, Режим ва кадрлар бош бошқармаси тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

шу йил 1 майгача давлат солиқ хизмати органлари ҳодимларининг янги кийим-бошини яратиш юзасидан танлов ўтказсин, бунда унга 2001 йилдан бошлаб ўтишни назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаллик солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармасига ва унинг худудий бошқармаларига хизмат кўрсатиш учун автотранспорт воситаларига қўшимча лимит ажратиш тўғрисидаги масалани бир ой муддатда ҳал қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси тизимидида ишлаш учун Ички ишлар вазирлиги Академияси битриувчилари орасидан тезкор-қидирув фаолияти бўйича мутахассисларни йўллашни назарда тутилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси (Исаев) Ўзбекистон Республикаси

Давлат солиқ қўмитаси, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Бухоро ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаллик Бухоро ва Фарғона шаҳарларидаги иккита янгидан қурилган касб-ҳўнар коллежларини аниқласин ва уларни икки ой муддатда ушбу коллежлар базасида 2000 йил 1 сентябргача ҳар бири 200 ўринли ихтисослаштирилган солиқ коллежлари ташкил этиш учун Давлат солиқ қўмитаси балансига берсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг Бухоро шаҳар ва Самарқанд шаҳар Давлат солиқ инспекцияларини, шунингдек Фарғона шаҳридаги Қирғули тумани Давлат солиқ инспекциясини тугатиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

13. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси солиқ органларини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1992 йил 20 октябрдаги 483-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарорининг 1 ва 3-бандлари, қарорга 1-6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаллик бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар тайёрласин.

15. Мақур қарорнинг бажарилшини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б. С. Хамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 13 март.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Тарихий шахслар номидаги ва бошқа мукофотларни таъсис этишни тартибга солиш тўғрисида

Кейинги йилларда улуг аждодларимизнинг тарихий меросини ўрганиш, буюк алло-малар номини абдилайтириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, халқимизнинг шону шавкати ва миллий гуруҳимиз тисмоси бўлган Абу Райҳон Бېруний, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод, Абдулла Қодирий, Зулфия номида Давлат мукофотлари таъсис этилиб, рес-

публика фани, маданияти, санъати ва адабиётига салмоқли ҳисса қўшаётган ижодкорлар мақур мукофотлар билан тақдирланиб келмоқда.

Бирок сўнгги вақтда ҳокимликлар, айрим идора ва ташкилотлар томонидан бу эзу мақсадининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий моҳиятини етарли даражада англаб етмасдан, чўкур ўйламасдан, масъулиятсизлик билан тарихий шахслар номида ва

бошқа турли мукофотлар таъсис этиш ҳоллари рўй бермоқда. Улуг аждодларимизнинг мўтабар номларини, уларнинг тарихий ва миллий аҳамиятини муайян бир худуд доирасида чеклашдек ноҳус қўришниларга йўл қўйилмоқда. Баъзи бир ўринсиз ташаббускорлик асосида амалдаги қонунларга номувофиқ тарзда жойларда қабул қилинаётган бу борадаги қарорлар мукофотларнинг рағбатлантирувчи моҳиятининг

бузилишига, майдалашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шу каби ҳолатларни ҳисобга олиб, тарихий шахслар номидаги ва бошқа мукофотлар таъсис этишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳокимлик, идора ва ташкилотларнинг тарихий шахслар номидаги ва бошқа мукофотларни таъсис этиш бўйича фаолияти қайтадан қўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республика-

ЭЗГУ АНЪАНАГА СОДИҚЛИК

БУГҒИ:
Тошкент шаҳрида “Муруват ўн кунлиги” бошланди. Аввал хабар бериб ўтганимиздек, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов эртага Бошландиған қўтлуг Қурбон ҳайити ва яқинлашиб

Муруват ўн кунлиги

даги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногиронлар, ёлғиз кесалар, кам таъминланган оилалар, умуман ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, хайр-эхсонлар қилиш, қорхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда бай-

рам тадбирларини ўтказиш, дастурхонлар ёзиш, жойларда концерт ва бошқа томошалар ташкил этиш, бир сўз билан айтганда савоб ишлар қилишдан иборатдир.

Бу тадбир яна шуниси билан диққатга сазоворки, уни ўтказишга муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуслари билан Рамазон ҳайити арафасида ўтказилган “Меҳр-муруват ўн кунлиги”

намуна бўлди. Бинобарин, мискин кишиларга меҳр-муруват кўрсатиш, хайр-эхсон улашиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Шундай экан, савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак. Ана шу жиҳатдан олганда пойтахтимизда бошланган “Муруват ўн кунлиги” ҳар бир ташкилот, муассасани, ҳар бир кишини савоб қилишдек эзу ишларга ундайди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида РЕЖАЛИ ТАЙЁРГАРЛИК

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Азимов оғиб боради йилнинг қарб кезидаги Қурбон ҳайити байрамига тайёрлик масалалари муҳокама қилинди.

Унда сўзга чиққан туман ҳокимларининг ўринбосарлари, шаҳар Ободонлаштириш ва Ички ишлар бош бошқармалари, “Тошшаҳар” қорхонаси раҳбарлари, Тошкент шаҳар бош имом хатиб жойларда амалга оширилаётган ободонлаштириш ҳамда ташкилий



ишлар тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Шуни айтиш керакки, ҳар доимгидай бўйил ҳам ҳайит байрамига кўнгилдаги тайёргарлик қуриди. Жумладан, қабристонлар ва масжидлар атрофи ободонлаштирилди, тозаланди, ҳар бир жомеъ масжидлари атрофида қатнайдиған автобусларнинг ақолига қулайлик яратиш мақсадида ҳар соат олдин иш бошлаши келишиб олинди. Жойларда эса байрам савдолари ташкил этилади.

Ҳукуматга қарашли бўлган “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг навбатдан ташқари конференция Тошкент шаҳридан делегатлар сайланди.

Конференция ишида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этди.

Мавлўми, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги “Соғлом авлод” давлат дастури тўғрисида”ги 46-сонли қарорига асосан ҳамда 2000 йил Соғлом авлод йили деб аталиши мўнособати билан ҳар томонлама қамолатлиқ шахси шакллантиришга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов “Соғлом авлод” давлат дастурини амалга тадиқ этиш тўғрисида” қарор қабул қилган эди.

КЕЧА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган ҳукуматга қарашли бўлмаган “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг навбатдан ташқари конференциясида ҳам юқоридаги масалалар бўйича атрофича сўз юритилди. Анжумани шаҳар ҳокимининг ўринбосари

ни тадиқ этишга доир ишларни мувофиқлаштириш бўйича бажарилдиған юмушларга ййилганлар эътиборини қаратди.

Шуни айтиш керакки, “Соғлом авлод” худудий дастури ҳукумат дастуридан келиб чиққан ҳолда шаҳримизга хос бўлган муаммоларни ҳал этишни кўзда тутади. Шаҳар дастури 70 моддадан иборат

лида шаҳримиздаги 98 та мактаб, 116 та болалар боғчаларининг таъмирланиши режалаштирилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, “Соғлом авлод” дастурини бажаришда Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг устувор олти йўналиш, яъни — алоғат ёшга етган қизларни мактабдан оқиллаш ҳаётга руҳий, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлаш, оила қураётган келин-куёвларни тиббий курашдан ўтказиш, бир ёшгача бўлган чақалоқлар саломатлиги ва тарбиясига махсус эътибор бериш, уларни диспансер назоратига олиб, она суги билан боқилишни таъминлаш, ҳар бир туғруқ комплексида “Оналар мактаби”ни очиш, 1—6 ёшгача даврда бола саломатлигини мустаҳкамлаш, тарбиясини тўғри ташкил этиш, ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоялашни кўчайтириш, уларни жамиятининг тўлақонли аъзоларига айлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг тадиқ этилишига муҳим аҳамият қаратилди.

“Соғлом авлод учун” жамғармаси шаҳар бўлимининг раиси Гўзал Тўхтавава ушбу жамғарманин Аёллар йилида ба-

2000 – Соғлом авлод йили БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИ

ри, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фариди Абдураҳимова олиб борди.

Дастлаб, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнazarov Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлом авлод” давлат дастури тўғрисида”ги ва “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини бажариш, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан тасдиқланган “Соғлом авлод” худудий дастури-

бўлиб, унда соғлом авлоднинг вояга етказиш ва тарбиялаш билан боғлиқ ташкилий, молиявий, таъминот, тарбиявий, тарғибот ва таъшиқот ишлари муассамлаштирилди. “Соғлом авлод” дастури доирасида 2000 йилда шаҳар “Аёллар маркази”ни ташкил этиш кўзда тутилди. Шунингдек, туғруқ мажмуалари, болалар даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Бундан ташқари Соғлом авлод йи-

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлуги

ШАҲРИМИЗ НАВРЎ АРАФАСИДА ЯНАДА ГЎЗАЛ БЎЛМОҚДА

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида Тошкент шаҳри ташаббуси билан Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлуги ўтказилмоқда. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ўтказилаётган ушбу тадбир 10 мартдан 10 апрелгача давом этади.

— Саид ака, республика бўйича эълон қилинган Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлуги пойтахт Тошкент шаҳрига, жумладан сиз раҳбарлик қилаётган бошқармага қатта маъсулият юклайди. Шу муносабат билан шаҳарда олиб борилаётган ободончилик ишлари ва кўзда тутилган режалар ҳақида гапириб берсангиз.

— Ававало, шунингдек қайда қилиб ўтиш кераки, пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг ободончилиги, озодлиги, унинг бетакор ташқи кифояси доимо мўҳтарам Президентимиз Ислам Каримов эътиборида туриши бизга, қолаверса ҳар бир пойтахт фуқаросига қатта маъсулият юклайди. Юртбошимизнинг бевосита масъалалари билан сўнгги йилларда бунёд этилган ҳамда шаҳар кўрмига қўрилган қатор осмонғулар зў-

мизда 3351 та ариқ мавжуд. Бўсув, Анқор, Бўрижар, Топрик, Қорасув, Найман, Бектемир, Кўча, Полвон, Пулмаза каби қатор каналлар сув келгунча тозаланди. Унинг қирқоқларига бетон плиталарини қўйиш ишлари бажарилди.

Шуни айтиш кераки, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ойлуги муносабати билан 4,5 минг квадрат метр йўлар қайта таъмирланди. Шаҳар жамоат транспорти бекатлари соя-сонларини бўяш ишлари амалга оширилди. Қатор мейморчилик объектларининг ташқи томонлари ювилаб, тозаланди. Шунингдек, пойтахтимиз марказий кўчалари ва майдонлари ҳамда байрам тadbирлари бўлиб ўтгадиган жойларда кўндан кўнга яқинлашиб келадиган Наврўз айёми муносабати билан умумхалқ байрами ниҳулғули широрлар билан безаш ишлари ниҳулғуланмоқда.

— Бу йилги Наврўз байрами арафасида шаҳримизни ўраб турган Халқа йўли тозаланиши ва кўркамлигига алоҳида эътибор қаратилаётган. Шу ҳақда ҳам газетхонлар билан яқиндан ўртоқлашсангиз.

— Маълумки, ҳар бир хонадон оstonадан бошланади. Пойтахтимиз оstonаси эса уни ўраб турган Халқа йўли ҳисобланади. Унинг тозаланиши ва озодлиги шаҳримиз оstonи ва кўркамлигини, Халқа йўлининг автотомобиль ҳаракатининг ортиб бораётганлиги, йўл ёқасидаги мейморчилик ниҳулғули ҳолатини янада яхшилаш, йўл бўлакларини тартибга келтириш ҳамда уни тоза ва кўркамли тутиш мақсадида махсус комиссия ташкил этилган. Туман ҳокимлари, тегишли қорхона ва ташкилотлар раҳбарларидан ташкил топган ушбу комиссиянинг асосий вазифаси Халқа йўлини тартибга келтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб, уни амалга оширишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бораётган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини шаҳар кўрмига янада кўрк қўшади, у янада обод ва кўркамли бўлади.

Сўхбатдош Эргаш ИСМАТҲУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот гуруҳи масъул котиби.



монавий бинолар, боғу роллар, йўллар, кўприклар, кўлар ва бошқа шаҳар ҳуснига ҳус қўшган ниҳулғули шаҳримиз аҳолисига гуруҳ ва инфохор бағълаш келмоқда.

Она шаҳримизни тоза тутиш, уни кўркамли ва озода сақлаш борасида мунтазам иш олиб борилаётган бўлсада, Наврўз умумхалқ байрами арафасида аҳоли иштирокида ҳашарлар уюштириш, кўчаларни, маъмурий бинолар атрофларини, ҳовли ва ариқларини тозалаш, даракларини тартибга келтириш, янги кўчаларни, сугориш тизимларини соғалаш борасида кенг қамровли ишлар олиб бориш сўнгги йилларда халқимизда яхши бир анъанага айланиб боришти. Қолаверса, диёримизга баҳор келиши билан атрофини саранжом-сарияш

рур» қозонган эди. Унинг устидан тергов ишлари бошланди.

— Бугун Брюсселда Югославияда урушдан сўнг Россия билан НАТО ўртасидаги музокарадан яна қайта тикланди. Бу ерда ҳарбий масъалаларга деяр мулоқотлар бўлиб ўтмоқда.

— АКШ Президенти Билл Клинтон Жон Эдвард Хербст номзодини АКШ нинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида тасдиқлаш тўғрисида Сенатга тақлиф қилганини ҳақида баёнот берди.

— Бугун Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Бош қотиби Я. Кўбеш Бишкекка келди. Унинг бу ерга келиши халқаро кузатувчиларнинг фикрича, яқинда қўлга қондирулишлар билан ўтказилган парламент сайловларининг иккинчи босқичи билан боғлиқдир.

— Непал ҳукумати Хиндустоннинг Катманду халқаро аэропортига ўз хавфсизлик қўчалари гуруҳини жойлаштириш ҳақидаги тақлифини рад этди.

— Собик СССРнинг собик биринчи президенти Михаил Горбачев ўз раҳбарлигида янги Россия Бирлашган Социал-Демократик партиясининг тузилганлигини эълон қилди.

— Халқаро ҳуқуқни қўпол равишда бузгани учун Зимбабведан Буюк Британия ўз элчисини чақириб олди.

— Латвия ҳукумати ўн саккиз ишга тўлмаган йилити ва қизларнинг модел бўлиб йиғилгани ва гўзаллик танловларида иштирок этишини тақиқлади.

— Американинг норозилигига қарамай Арманистон билан Эрон газини Арманистонга элтидиган газ қувури қурилиши тўғрисида келишиб олди.

— Россия ва Қирғизистон ҳаво ҳужумидан муҳофаз қилиш бўйича биргаликдаги жанговар набағчиликни бошладилар.

— Европа Иттифоқи билан Хиндустон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

— Индонезиянинг Моллука оролларида нарсонийлар ва мусулмонлар тўқнашувида қамиди ўттиз нафар киши ҳаётдан қўз юмди.

— Жорий йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида Вьетнамда транспорт ҳалокатлари натижа-сида 1,3 мингта яқин одам ҳаётдан қўз юмди.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

- МАМЛАКАТИМИЗДА
• Тошкентда ҳоржий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди.
• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Демократик ҳараёнлар ва суд-ҳуқуқ ислоҳоти» мавзусида семинар бўлиб ўтди.
• Ушбу Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Аёл, маданият ва сибсат» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.
• Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгенининг сессияси бўлиб ўтди.
• Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Ўзбек қоракўли» компанияси тизимидеги хўжалиқлар фаолиятининг ўтган йил яқунлари, жорий йилда қўзилатиш масъулсини муваффақиятли ўтказиш ва соҳанинг экспорт савдофянтини оширишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.
• Хоразмда табиий шарбатларни ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Италия «Мева» қўша қорхонаси ишга туширилди.
• Нукусда «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга оширишга бағишланган йилгилик ўтказилди.
• Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Наврўзга бағишланган қўшиқлар танловини ташкил этди. Бу қўшиқларнинг еттидаси танлов ҳайати томонидан қўлиб деб топилди.
• Россия махсус федерал хизмати томонидан пухта режа асосида олиб бориладиган операция тўғрисидаги тақиқотчи террористи Салмон Радуев қўлга туширилди. Маълумки, у ўзининг бир қанча террорчилик ҳаракатлари билан «дов-

Танловлар

«ОФАРИН» ГОЛИБЛАРИНИ ҚУТЛАЙМИЗ

КЕЧА байрамона руҳ ҳўж сўраётган, маданият, санъат, адабиёт соҳаси мутахассислари, мухлислари ва журналистлар билан сўзаш Халқлар Дўстлиги саройида «Офарин» йилнинг энг ахши ишқориди республика танловининг голлибларини аниқлаб, уларни тақдирлаш танловини маросими бўлиб ўтди. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, танловда ўз соҳалари бўйича ҳақиқатан ҳам юрти-

ИШ СУРЪАТИНИ ОШИРИБ

Бозор муносабатларига ўтиши, соҳани тубдан ислоҳ қилиш жароғини ҳар бир ишлаб чиқариш қорхонасининг асосий вазифаларига айланиб бормоқда. Бу эса ишлаб чиқариш суръатини оширибгина қолмай, балки, ўз наъбатиде махсулотнинг сифатини ҳам яхшилашга олиб келмоқда. Бугунга келиб мамлакатимиздаги барча қорхона ва ташкилотлар фақат сифатли ва экспортга яроқли махсулотлар ишлаб чиқариш шiori остида меҳнат қилишмоқда.

Пойтахтимиз марказида жойлашган «Қизил тонг» очик турдаги акциядорлик жамияти жамоаси ҳам ўтиш даврида бир мўна қўйинчиликларини енгиб, бугунги кўнда сифатли харидорнинг махсулотлар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқарилаётган янги бичимдаги палытолар ва костюмлар барчага бирдек манзур бўлмоқда. Ушбу махсулотлар нафақат Ўзбекистонда, балки Россия, Қозогистон ҳамда Туркияда ҳам харидорларга манзур бўлмоқда. 1999 йилдан бошлаб

қорхонанинг Наманган вилояти Қосонсой туманида Туркия билан ҳамкорликда янги «Қосонсой-Текмен» қўша қорхонаси ишга тушди. Мазкур қўша қорхонанинг ишга туширилиши натижа-сида четдан олиб келинаётган хом ашёга чеб қўйилди. Авваллари ҳар йили қорхонага 1100-1200 минг АҚШ доллари тенг хом ашё Болтиқбўйи давлатлари, Россия, Қозогистон ва Қирғизистондан олиб келинар эди. — Ўтган йили, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Хайрулло Акбаров,



ЭРКИНЛАШТИРИШ ОЛГА ИНТИЛИШИМИЗ КАФОЛАТИ

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида кичик ва ўрта бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик талаб даражасида ривожланиш талабига ҳақиқатан эришиш учун тадбиркорлик, шахсий ташаббус, иқтисодий ўсишнинг бозор муносабатларига ҳос қўрилади, кичик омилга айлангани зарурлигини уқтириб ўтди.

Юртбошимиз ўз сўзида тадбиркор ва ишбандлар, кичик ва ўрта қорхона эгалари ўз фаолиятларида амалий ёрдам ўрнига қоқайдиққа, айрим ҳолларда эса, жойларда давлат мансабдорлари ва маҳаллий ҳокимларнинг қаршилик ҳаракатини кескин танқид қилди. Тадбиркорларнинг қўлидаги фикрлари юқоридеги далилларни яна бир бор исбатлайди.

Комил МАКСУДОВ, тадбиркор

— Президентимиз маърузаларида биз тадбиркорларнинг дилимиз ва тилимиз учун турган гаплар айтилди. Долзарб муаммолар ўртага ташланди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама қўлай шароитлар яратиб беришга қатъий эътибор қаратилди. Албатта, Юртбошимиз томонидан қилинаётган бундай гапларнинг кўрсаткичи керак.

Чўндан ҳам, баъзи раҳбарларнинг ишмизга аралашуви, асосий текширувлар ҳаммизга қўйла халал бериб келди. Шу йилда ўз фаолиятимиздан бир мисол келтирмоқчиман. Бундан беш йил муқаддам Юнусободнинг Аҳмад Доних қўчасидаги ташлашқор, қаровсиз ерда ошхона барпо этишга жазм эдим. Иш бошлаш олдидан бўлган югур-югурларни айтмай қўйлай. Хуллас, барча тўқнавлардан омон-эсон ўтиб, қурилиши бошлаб юбордим. Терак-атрофни ободонлаштиришга қатта маблаг сарфланди. Қўйинчиликлар эвазига бағи ошхона бўлиб келди. Мамакатли меҳнатларимиз эве кетмагандан хурсанд бўлиб, яхши ният билан иш бошладик. Бир-икки ой тинчроқ ишладик. Кейин гўё ариқнинг ичи бузилди. Ошхонани қуриш учун кимдан рухсат олганимиз, қандай қўраганимиз, қурилиш материалларининг рухсатномасини сўраб-сўраштирувчилар, қўндаллик фаолиятимиз, даромадимизга қизиқувчилар сонини қўлайди. Ха энди иш бошлашдан кейин илҳукас ҳам бўлади-да, деб тишини-тишига қўйиб ишладик. 2-3 йил ичида ошхона атрофи ободонлашиб, шу қадар файзли, салқин ва кўркамли бўлиб кетдики, бу ер чинакам хўрақларнинг дам олиш масканига айланди. Бу орада яна текшир-текширларнинг кети узилди қолди. Е таъба, назорат қилувчи идораларнинг шу қадар бибобрилиғи ўшанда килибмана.

Қарасам, иш чатқо, фойда ўрнига тобора зинган кириб борибман. Эсим борнда этақини ёйлаб, ледиум шартта эшикка қўлиб солдим. Бир йил ишладим.

Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган юқориде-

ги нутқларини ўқиб бир оз қўнглим таскин тоғланди бўлди. Яна қайтадан ошхонани ишга туширишни режалаштиряман.

Абдураим КОДИРОВ, бўлғуси тадбиркор

— Қўнглича йўлда ёки транспортда кетаётганимизда одамларнинг шивир-шивирига қўлқ тузгангиз кўп нарсалардан воқиф бўласиз. Улар ериқли нукталаримиз ҳақида сирлашмишди, бақслаганишди. Лекин ўртага бирор бир бетон аралашдими ҳақиқатан бўлганда, Хўзиргина оғиздан чиқаётган эч-чак-араз сўзларга бироз ширра қўшилиди. Шундайларга бор ҳақиқат қозидан савол берсангиз, улардан қисқанига «Мон эмас», деган жавобни эшитасиз. Нега шундай? Нима учун? Бизнинг мана шу ўзбекона «камтарлигимиз» деймизми ёки ожизлигимиз деймизми, хуллас мана шу камсўқлигимиздан баъзиларга таллуқли.

Юнусободнинг янги бозори очилганда қўнглишимиз Марат ақа яна югур-югур билан кичик бир жой олиб уни озик-овқат дўконига айлантирди.

— Яхши ният билан тадбиркорликка қўл урдик, ука. Нима қилай, жўжабирдак жонимиз, шояд ишимиз юришиб кетса, — деди у бир кун сўхбатимиз асносида. — Лекин бу иш ҳам одамлар уйлағандек ҳольва гиш, оғзимга туш эмас экан. Катта оғзимга жўн қўлайди. Ха энди юз минг иккара ҳақи тўлайман, бундан устига чирок, газ, сув пули бор. Ишқилиб амаллаб турибмиз.

Яқинда Марат ақани учратиб ҳол-аҳвол сўрасам: «Эй ука, дўкон беркилди, — деб ҳасратидан чанг чиқди. — Давлат тўловлари ўз йўлига, лекин текшир-текшир, чўз-чўздан безор бўдим», деди.

— Бу гапларни нега керакли идораларга айтмайдимиз, — дедим, у: «Нима энди бир қамим қирғанимизда суллашиб юришим қолди», деб жавоб берди. Шундай халлабчи орган келар-шанда Юртбошимизнинг маърузаларини ақитиб, ўқиб қолдим, ақимга қанот бағишладим.

Саноат

«ОҚШОМ»ГА ХАТЛАР

Муштарий хабар беради...

Фойдаланишга ТОПШИРИЛДИ

Шаҳримизнинг Афросиёб шўх қўчаси ҳамда Чехов қўчаси кесинган жойда қад ростлаган 9 қаватли кўрккам бино хонадон эгаларини хўшнўд этди.

36 хонадонга мўлжалланган 15 «А» ўйни бунёд этишда бунёдкорлар тез ва соз меҳнат қўлдилар. Айни кунларда ҳовли тўйларини нишонлаётган оилалар аъзолари бунёдкорларнинг совғасидан мамнўн бўлишмоқда.

Дилфуза ГАФФОРОВА, хизматчи.

ажабланади...

САРСОНЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Ўтган йили омадим чопиб Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан чиқарилган «Омади инсон» дахдан пул-бутом ютуқли лотереясига 5000 сўм ютдим.

Шуниси ажабланишлики, ана шу ютугимни ололмайдим 8 ойдан бунён сарсон бўляяман. Лотерея билетига «5000 сўмгача бўлган ютуқлар ютуқ чикқан жўннинг ўзида тўланади», деб ёзиб қўйилганига қарамай, мен ҳали ҳам ютуқни ололмадим. Ахир улар мени бугун-эрта кел, деб қачонгача сарсон қилишадиган? Бир лотерея билетини ойлари давомида текширишса, кейин уларга ким ҳам ишонаркин?!

Раҳим ЭШБОВ, Шайхонтохур тумани, Хуршид қўчаси, 256-уйда яшовчи пенсионер.

мулоҳаза билдиради...

ШУ ҲАМ ОДОБДАНМИ?

Сотувчилик, бундай ўйлаб қараганда оддий — «майда» масала бўлиб туюлиши мумкин. Аммо, айни кўнда, яхши мустақил юртимизда сотувчилик ўз ишига ўзсиза ёндошишни, харидорлар билан жиддий муносабатда бўлиш талаб қилинади. Чўнқи, сотувчи доимо қўнчилик билан муомалада бўлади.

Тан олиш керак, баъзи бир сотувчилар димодорлик билан, ўзлари билмаган ҳолда қўнглига зид, дилини хира қўлдиган муомалада бўлишадиган, ўзидан ёши улугларга ҳам яхши муносабатда бўлишмайди.

Мана бунга бир мисол: яқинда Ҳамза туманига қарашли дўконда бир аёл сотувчининг қўпол муомаласи, харидорларга муносабатини кўриб дилим хира бўлди. Бир қария чол озик-овқат дўконига кириб: «Болам, унинг нархи неча пул, қўзим ўтмайди» — дея мурожаат қилди. Сотувчи аёл бўлса эшитиб туриб, эшитмаганга олди ўзини, жавоб беришни хоҳладими. Сотувчи аёл нафақат қарияга, қузатиб турсам, бошқа харидорларга ҳам хўшламайгина, қўпол муомалада бўляпти. Ахир бу одобдан эмас-ку. Дўконга харидор кирдимки, хоҳ у катта, хоҳ кичик бўлсин, ким бўлишидан қатъи назор унга шарқона одоб билан муомалада бўлиши, харидорга нисбатан ширинсухан, дилқас бўлиши лозим.

Агар сотувчи қанчалар одобли, хўшмуомала, чаққон бўлса, мижозлари сонин ҳам кўндан-кўнга ортиб боради ҳамда пештахтадаги махсулотлар ҳам туриб қолмай, тезроқ савдоси юришадиган-ку, ахир. Наҳотки, шундай оддий бир нарсани тушуниш улар учун мураккаб. Ўша кўни бу дўкондан дилим хўфтон бўлиб қайтдим.

Насриддин БОТИР.

танқид қилади...

ИНСОФИ ЙЎҚЛАР

«Фарҳод» бозоридан қартоққа харид қилаётгани бўлсангиз, албатта ўзингизда ўзингизнинг тарозингизни булагини маъқул.

Бўлса инсофисиз олибсатарларнинг фирибидан фиғонингиз фалакка чиқиб, қартоққа харид қилганингизга афсусланасиз. Улардан 5 килограмм қартоққа харид қилсангиз, улар сизнинг ўшингизни, аёллигингизни, кекса ёки ногиронлигингизни «хисобга» олиб, бир ёки бир ярим қилограммга енгиллаштириб беради, кейин эса ҳеч нима бўлмагандай безарийб тураверяшадиган. Уларнинг танобини тортиб қўйдиган бирон азамат топилганда, харидорлар, албатта мамнўн бўлишарди. Ахир инсофисизликнинг ҳам чегараси борку?!

Фарҳод МУТАЛХЎЖАЕВ.

«Оқшом»да босилмас ҳам

ЧОРАСИ КЎРИЛДИ

Шайхонтохур туманидаги «Марказ-14» мавзеси, 1-уйда ишчилардан ҳамда Эшон Бобоқон қўчаси 2-«а» уй аҳолисидан нисқон хатлари келган ва унда уйларида камчиликлар кўрсатилган эди. Шикоят хатлари текширини ва чора қўриш учун туман ҳокимлигига юборилган эди. Яқинда туман ҳокими ўринбосари, коммунал-фойдаланиш бошқармаси бошлиғи С.Анорбоев имзоси билан жавоб хатлари олинди. Уларда жумладан шундай дейилади:

«Сизга шунинг маълум қиламизки, бугунги кўнда 1-уйда совуқ сув босими яхшиланди ва барча хонадонларда совуқ сув мавжуд, ертўла ичи қўл-қуруқ. 2-«а» уй аҳолиси эса иссиқ сув билан тўла таъминланган».

Шунингдек, ушбу шикоятлар юзасидан Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори ўринбосари В.Каримжонов имзоси билан келган жавоб мактубида ҳам қўрилиган чора-тадбирлар аниқ кўрсатилган. Катта уй аҳолиси номидан берилган тилхатлар ҳам илова қилинган.

АССАЛОМ, ФУТБОЛ БАҲОРИ

Яна уч кундан кейин юртимизда футбол бўйича мамлакат тўққизинчи чемпионати бошланади



ЖАНГОВАР РУҲ ЁР БЎЛСИН

Укамизга фусунгор баҳор фасди кириб келди. Қаерга борманг хуш кайфияту вақтинчиликнинг устидан чиқасиз. Янгиликнинг ва покликнинг байрами Наврўз айёми арафасида инжибозлар интилик билан кутаётган футбол бўйича тўққизинчи миллий чемпионат бахслари ҳам бошланмоқда.

Хар доимгидек, ишқибозлар мутахассислар хаёлини куйдаги ўй банд этади: янги футбол мавсуми ўзбек футболига қандай ўтувлар келтириди? Келинг, шу борада мушоҳада қилайлик.

Авалламбор, ҳали янги мавсум ўйинлари бошланмасдан ҳам ҳаққонанча ўз тарихларини саралаб олишди, қўлаб ўртоқлик учрашувлари, футбол турнирларида ўзларнинг нимага қадар эканликларини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Айниқса, февраль ойида бўлиб ўтган «Пахтакор-79» хотира турнирининг гуруҳлардаги ва финал-га қадар учрашувлари унда иштирок этган жамоалар учун мавсумга тайёргарликнинг ҳал қилувчи босқичи вазифини ўтади, десак адашмаймиз. Фарқанда ўтказилган учрашувларда кўтилгандек тажрибали «Нефчи» жамоаси 11 август куни бўлиб ўтган «Пахтакор-79» хотира турнирининг финал баҳсида йўлланма олган бўлса, Тошкент вилоятидаги ўйинларда кимнинг голиб чиқишини олдиндан айтиш қийин эди. Мавсумини бутунлай янги таркибда ва янги бош мураббий раҳбарлигида бошлаётган пойтахтнинг «Пахтакор» жамоаси охиригача беллашув натижасига қўра ҳал қилувчи учрашувларда қатнашиш ҳужумни қўлга киритди. Бирок турли сабабларга қўра янги жамоасий ўйинчиларидан айрилган «Пахтакор» жамоаси учун 2000 йилги мавсумнинг оғир кеचиси сир эмас. Ҳар ҳолда икки қарра ўзбекистон чемпиони, собиқ Иттифок даврида ўзининг ҳужумкор ўйини билан қўлаб мамлакатлар ишқибозларини маъқул этган «Пахтакор»нинг янги бош мураббийи Александр Иванков етакчилигидаги мавсумда кучли бешликка кириши учун барча имкониятлари етарли, деб ўйлаймиз. Жамоанинг илгаригидек жанговар таркибини шакллантириш учун эса албатта муайян вақт ва аниқ мақсадга йўналтирилган сай-харакатлар керак бўлади.

Ишқибозлар ўтган йили миллий терма жамоамизнинг Осиё чемпионатининг саралаш турнирида жуда сермақсул ва умидбахш ўйинлар кўрсатиб, кучли рақибларни кетма-кет доғда қолдирган ҳолда ҳақиқий равишда финал босқичига йўлланма олганлигини фахр ва энтиқли туйғулари билан эслашди. Хозирда эса октябрь ойида Ливанда ўтказилган Осиё чемпионатининг финал баҳсларида умидли ёшлар ва тажрибали ўйинчилар ўйинлигида ташкил этилган миллий терма жамоамиз қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Қувонғари томони шундаки, жаҳон амалиётида муваффақият билан қўлаб келинган ўйинчиларнинг қўлаб қилинган қўлаб қилинган ўйинчиларидан айрилган Осиё чемпионати Республикаси футбол федерацияси россиялик собиқ футбол юлдузи ва тажрибали мураббий Павел Садиринини миллий терма жамоамизга бош мураббий этиб тайинлади. Унинг йигирма йилдан ортиқ давом этган мураббийлик фаолияти даврида Россиянинг «Зенит» ва ЦСКА жамоаларини чемпионлик шохулисига олиб чиққан, ўз вақтида Россия терма жамоасининг жаҳон чемпионатининг финал босқичида қатнашишини таъминлаган тажрибали мутахассис, ўйлаб-чиқариш марҳум мураббий Махмуд Рахимов бошлаган хайрли ишларни муваффақиятли равишда нихосига етказди.

Дарҳақиқат, янги мавсум арафасида бир қанча қувончли воқеаларнинг шохиди бўлди. Хусусан, йил бошида Евгений Сафонов, Александр Хасанов, Николай Ширшов каби уч чарч тўп устамизнинг Осиё терма жамоаси таркибига тақдир этилиши футболчиларнинг қандайдиги оқибатини маълум қилди. Терма жамоамизнинг дастлабки ўртоқлик учрашувида асосан ёшлардан иборат бўлган футболчиларимиз ўз рақиблари устидан 8:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Энг муҳими, илк бор бош терма жамоамизнинг Финляндия, Польша, Беларуссия, Туркия каби Европанинг етакчи командаларини билан учрашувларини ўтказиш йўлида сай-харакатлар амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида жиддий бахсларга тайёргарлик қўраётган футболчиларимиз учун нихоятда фойда бериши сир эмас.

Биз эса умидларга бой мавсумда терма жамоамизнинг ўйинига жанговар руҳ ёр бўлиши, миллий чемпионатимизнинг эса қизқариши ва мurosасиз беллашувларга бой бўлишига тилқодимиз.

Дилшод ИСМОИЛОВ.
Улар майдонга тушадилар

МУЖЛИСЛАР ОЛДИДА УЯЛИБ ҚОЛМАЙМИЗ

Бу йилги мавсумга «Трактор» қандай тайёргарлик билан келмоқда? Шу савол футбол мухлисларини қизиқтириши табиий. Мухбиримиз жамоа бош мураббийи Рашид Хайдаров билан аниқ мушоҳада сўхбатлади.

— Рашид ака, янги футбол мавсуми бошланганга бундан олдин «Трактор»чиларни қўлаймиз.

— Раҳмат.
— Сўхбатимиз муқаддимасида шунга айтимоқчимиз, ўтган йил сизнинг фаолиятингизда муҳим из қолдирди. Чунки, Германияда бўлиб, мураббийлик сирларини янада мукамал ўзлаштириб қайтидингиз, Германия футбол билан ақиддан танишдингиз...

— Дарҳақиқат, ўтган йилнинг сентябрийда ўзбекистон футбол федерациясининг тавсиси билан Германиянинг Лейпциг шаҳри университетини қўшиқда халқаро мураббийлар тайёрлов курсида беш ой байнида тахсил олдим. Натижада мураббийлик соҳасидаги назарий, амалий билимининг янада бойиди. Иштиқолларни ҳам муваффақиятли топширдим. Очирини айтсам, Германия сафари бир умр ёдимда қолади. Чунки илгор футбол мактабларидан бири сифатида жаҳонга донг таратган Германия бўлиш катта бахт. Биласизми, немислар футболни нима учун қўли? Чунки бу рўхта футболчиларнинг энг аввало жиҳмонан, юрдан тайёргарлигини юксалтиришга катта эътибор берилар экан, футбол техникаси ва тактикаси сирларини мукамал ўрганиши ҳар бир футболчи учун зарурий ҳол экан. Футболчиларга яратилган қўлай шароитлар ҳақида гапирмасан ҳам бўлади. Орузим Германия футболдан ортиқтар тажрибамиз ўзбек футболда ҳам қўлаш.

— Энди бевосита ўз футболчилар ҳақида сўхбатлашсак. Аввало, жамоамизнинг мавсумолиди тайёргарлиги ҳақида нима дедир оласиз?
— Жамоамиз киши машғулотларини аллақанда бошлаб юборган экан. Аммо етакчи футболчиларимиз Собир Ходиев, Денис Шулга, Баҳодир Қодиров, Станислав Кудришев, Павел Харин, Николай Шевчен-

ко, ака-ука Ковалевлар жамоани тарқ этишди. Бу «Трактор» учун катта йўқотиш, албатта. Начора, ҳар мавсум олдиндан ҳамма жамоада юз берадиган ва каби ўзгаришларга қўниқиб кетганимиз. Фақат менга бир нарсга таъсир қиладики, биргина маҳоратли футболчи тайёрлашга 2-3 йил вақт сарфланади. Ана шундай футболчилар тарбиялаб «оғзим ошга етди» дея қувонганимизда бошқа жамоага кетиши... Хуллас, яна умидли ёшларга таяниб машғулотларни давом эттирдик. «Пахтакор — 79» хотира турнирида қатнашишимиз фойдадан ҳоли бўлмади. Ёшларимиз ўйинларидан қўнғилим тўйди.

— «Трактор» сафига янги ўйинчилардан кимлар келиб қўшилди?
— «Насаф»дан дарвозабон Олег Қаҳқоров, МХСКдан Акмал Рискүллаев бу йил жамоамизда тўп суришди.

— Жамоа раҳбарияти таркибиде ўзгаришлар бўлмади?
— Йўқ.
— «Трактор» мухлислари жамоадан саворлиқ ўйинлар эгаси бўлишни талаб қилишяпти. Сабаби, жамоа кўп ҳолларда доверуға кетган, кучли жамоаларга ўз майдонига муносиб рақиб бўлиб келган. Лекин нима учундир чемпионатда нотекис ўйнаб саворлиқ ўйинлардан маҳрум бўлиб қолади. Бу йил мухлисларни хурсанд қиласизларми?
— Эътирозингиз ўринли. Аммо, ҳар йили етакчи ўйинчиларнинг бошқа жамоаларга кетиши ўзининг салбий таъсирини кўрсатади! Шунинг учун ҳам «Трактор» нотекис ўйин кўрсатади. Аммо, йилгиларимиз ҳар ўйинга жон-жаҳдлар билан, фақат ғалаба қозонишни хоҳлаб тушишлари бор гап. Шу боис мухлисларимиз бизни қўлайвертишимиз. Чунки ўтган йилдан қўра қўлайроқ ва чиройли ўйинлар кўрсатиш ниятидамыз. Асосийси, мухлислар олдида уялиб қолмаслик.

Сўхбатдош Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

«ПАХТАКОР»

Жамоа бошлиғи — Аскар Толибжонов.
Бош мураббий — Александр Иванков.
Мураббий — Тўра Шоймардонов, Григорий Шевтлин.
Дарвозабонлар — Руслан Аҳмеджонов, Абдулла Абдуразақов.
Ҳимоячилар — Мурод Алиев, Афзал Азизов, Григорий Богданов, Фаёзулла Очилов, Қайрат Утабоев.

«ТРАКТОР»

Жамоа бошлиғи — Анатолий Кочедиков.
Бош мураббий — Рашид Хайдаров.
Мураббийлар — Мирзохид Фуломов, Альберт Амбарцумов.
Дарвозабонлар — Олег Қаҳқоров, Владимир Суворцев, Сарвар Эсатов.
Ҳимоячилар — Анатолий Хутин, Фулом Халимов, Жанбулат Кошқаров, Дилшод Фозуров, Павел Корчанин, Бахтиёр Мусаёев, Илхом Муминов, Олег Нестеров, Егор Рогов.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

- 14.35 «Кўзгу».
- 15.00 «Пан Кликсанин саргузаштлари». Бадий фильм, 2-серия.
- 16.20 «Кунёк стартлар». Телемусоба.
- 17.00 «Мус-рин». Телешоу.
- 17.30 «Озод юрт одамлари». Бадий-публицистик кўрсатув.
- 17.50 «Саломат».
- 18.10 «Олтин тоғ». Телевиксин ўйини.
- 18.35 «Андажонда Наврўз».
- 18.55 «Узлик». Бадий-публицистик кўрсатув.
- 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
- 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
- 20.05 «Самъат олами».
- 20.30 «Тахлилнома».
- 21.15 «Якшанба оқшонида». Мусикий дам олиш дастури.
- 23.40 Кино интвиклариди.
- 23.55 УТВ экраннда биринчи марта: «Икки қарра икки беш эмас». Бадий фильм, 2-серия.
- 1.15-1.20 Вақт тилқилари.
- УТВ II
- 8.00 «Давр тўғи».
- 9.00 Кўрсатувлар дастури.
- 9.05 «Янги авлод». Катта танлашув.
- 9.40 «Бизнинг доктор». 2-курсатув.
- 10.15 «Мусикий лавзалар».
- 10.20 «2000 йил — Соғлом авлод йили».
- 10.45 «Федерал полиция». Телесериял.
- 11.30 «Мусикий лавзалар».
- 11.35 2000 йил — Соғлом авлод йили.
- УТВ III
- 8.50 «Соғлом бўлай десангиз».
- 9.05 «Тонги пойтахт».
- 9.45 Болжақлар экрани. «Само кироли».
- 11.15 «Билиб қўйган яхши» (трактор).
- 11.25 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим».
- 11.45 «Кинони севасизми?».
- 12.05 Телегазета «Экспресс».
- 12.25-13.30 Киноинтвик «Севимли Раққа», 2-серия.
- 17.55 Кўрсатувлар дастури.
- 18.00 «Пойтахт». Хайратлик шарҳ.
- 18.20 «Табриқлаймиз, қўлайимиз».
- 18.50 «XXI аср авлодлари».
- 19.10 «Дурдона».
- 19.30 Телегазета «Экспресс».
- 19.50 «Табриқлаймиз, қўлайимиз» (давоми).
- 21.20 ТВда сериял «Даллас».
- 22.10 «Пойтахт». Хайратлик шарҳ.
- 22.30 «Эътиром ила».
- 22.50 «Тасанно».
- 23.15 Киноинтвик «Мари қонини».
- 00.25 «Хайрли тун, шарқим!».
- УТВ IV
- 9.00 Кўрсатувлар тартиби.
- 9.05 «Тон» дастури.
- 10.35 «Эртақларнинг сеҳри олами».
- 12.15 «Парлаву франсуз».
- 12.40 «Ўзбекистон инжиклари» (инглиз тилида).
- 12.50 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили).
- 13.00 Киномагараф. «Унинг дили».
- 13.05 Бадий фильм. «Унинг дили».
- 14.30-15.15 «Дўстлик» видеоканали: «Алчирек», «Дилар».
- 17.30 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.30 «Унинг дили».
- 17.55 Дил изҳори.
- 18.25 Е.Петросянининг «Кулли панорама»си.
- 19.05 Жети Чан «Тизиз пайт» жангари комедиясида.
- 21.00 «Дил изҳори».
- 21.10 Киноинтвик.
- 21.20 «Интернет худуди».
- 22.25 «Тасвир-2000».
- 22.40 Киномагараф. «Экхит».
- 22.55 «Бадий фильм».
- 00.05 «Тахлилнома» (рус тилида).
- 00.35 «Тунингиз оуда бўйсин!».

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Мебель» очик турдаги акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Мебель» ОАЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2000 йил 15 март куни соат 14 да қўйидаги манзилда ўтказилади:
Тошкент шаҳар, Саъдий кўчаси, 6-уй.
КҮН ТАРТИБИ:
1. «Мебель» ОАЖ нинг 1999 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот ва 2000 йилдаги вазифалари тўғрисида.
2. Тафтиш комиссиясининг 1999 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи.
3. «Мебель» ОАЖ нинг 1999 йилдаги баланси ва аудиторлик текширув натижаларини тасдиқлаш.
4. Кузатув кенгашининг янги таркибидеги аъзоларини қайта сайлаш.
5. Бошқарув кенгаши раисини тасдиқлаш.
6. Бошқа масалалар.
Акциядорларни рўйхатга олиш 2000 йил 15 март соат 8 дан бошланади.

«Мебель» очик акциядорлик жамиятининг 2000 йил 1 январгача бўлган баланси

Балансининг «АКТИВ» қисми, (минг сўм)	Балансининг «ПАССИВ» қисми, (минг сўм)
1. Асосий воситалар — 54522	1. Устан капитални — 13277
2. Тайёр маҳсулот қолдиги — 14799	2. Ўтган йилларнинг ҳамарқам капитални — 126739
3. Номоддий активлар 81160	
4. Олиб сотиладиган товарлар — 13340	3. Келгуси давр даромади — 1328
5. Пул маблағлари — 67427	4. Қўсқа муддатли кредит — 30000
6. Дебиторлар — 38574	5. Кредиторлар — 98478
Баланс — 269822	Баланс — 269822

1999 йил молиявий натижалари

Кўрсаткичлар номи	Натижа кўрсаткичлар (минг сўм)
1. Маҳсулот сотишдан тушган тушум	— 720408
2. Ҳисобот дивиденди соғ фойди	— 64577

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия бош бошқармаси жамоаси ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент шаҳри бўйича Назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи А.А.Зокоровга онаси Султонопошша ЗОКИРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашир кўрсаткичи — 209
Хажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2
Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Концертни манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.